



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Энг катта гуноҳ
ўз виждони
олдида ҳисоб бера
олмасликдир.
Энг катта жиноят
атайин, билиб туриб
қилинган
ёмонликдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.ru



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 9-yanvar, shanba, 3 (23.439)-son

««« Яхши хабарлар »»»»

Бир неча йил олдин Самарқанд шаҳрида яшовчи аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига Окдарё туманининг шахарга яқин ҳудудидан уй-жой қуриш, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш учун ер майдони ажратилган эди.

Қорадарё устида кўприк қурилади

Қорадарё бўйида жойлашган мазкур ҳудудни шаҳар билан яқин масофада боғлаш учун дарё устида кўприк қурилиши режалаштирилган, аммо бу ишни амалга ошириш ортага суриб келинаётгани. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йилда Самарқандга ташрифи чоғида ушбу масала кўтарилди ва бу вазифани бажариш учун замонавий лойиҳа ишлаб чиқиш топширилган. Утган давр мобайнида мутасадди идоралар мутахассислари томонидан дарё устида кўприк қуриш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди, лойиҳалар тайёрланди.

Янги йилнинг дастлабки кунларида янги кўприк қурилишига киришилди. Бу ишни "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компаниясига қарашли "Кўприк қурилиш трести" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширмоқда. – Кўприкнинг узунлиги 700 метр, сув сатҳидан баландлиги 12-13 метр бўлади, – дейди "Кўприк қурилиш трести" МЧЖ муҳандиси Қудрат Исаев. – Қурилма дарё устида бўлиши ҳисобга олиниб, устунларни асосан, бургулаш йўли билан жойлаштириш кўзда тутилган. Қурилиш ишлари замонавий технологиялар, халқаро стандартлар асосида амалга оширилади. Вилоят ҳокими Э.Турдимов ва республика мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари кўприк қуриладиган жой ва лойиҳа билан яқиндан танишдилар, қурувчилар ишига муваффақият тилладилар. Янги кўприкни жорий йил якунига қадар қуриш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Самарқанд – 2020 йилнинг энг намунали ҳудуди



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА томонидан ўтказилган "Йил танлови-2020" танлови ғолиблари тақдирланди.

Жамоатчилик, журналист ва блогерлар томонидан баҳоланган танловда Самарқанд вилояти "2020 йилнинг энг намунали ҳудуди" йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Вилоятимиз "Йил танлови-2019" да ҳам ушбу номинация ғолиби бўлган эди.

"2020 йилнинг энг намунали туман ва шаҳари" йўналишида эса Пайариқ тумани учинчи ўринга муносиб кўрилди. Вилоят ва Пайариқ тумани ҳокимликларини, вилоятимиз ахлини ушбу эътироф билан табриклаймиз!



Энди ҳамма ўқишга

Вилоятимиздаги олий ўқув юртларида 2021 йил 11 январдан аънъанавий таълим шаклида дарслар бошланади.

Жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг барча факультетларининг 1-3-курс талабалари ўқишни аънъанавий тарзда давом эттиради. Дарслар тўлиқ дезинфекция чоралари кўрилган ҳолда 2 навбатда олиб борилади. Бошқа олий таълим муассасаларидан фарқли тиббиёт олийгоҳида талабалар 12 нафардан ташкил қилинган гуруҳларда ўқийди.

Мазкур институтда талабаларни аънъанавий таълимга жалб қилиш босқичма-босқич амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилнинг 2 октябрдан 2-курс клиник ординатура, 5 октябрдан 2-, 3-курс магистратура ва 1-курс клиник ординаторларига аънъанавий дарслар ташкил этилди. 12 октябрдан эса битирувчи курслар, 1-курс магистратура ва халқаро тиббий таълим факультетининг кўшма дастурлари асосида қабул қилинган 1-курс талабаларига, 2 ноябрдан бакалавриятнинг 4-, 5-курс талабаларига аънъанавий ўқиш бошланган эди.



Самарқанд давлат чет тиллар институтининг бакалавр таълим йўналишларида 6 минг 343 нафар (шундан 823 нафар кечки таълим шаклида) шунингдек, кўшма таълим дастурлари асосида 118 нафар талаба тахсил олмақда. Магистратура мутахассисликларида 330 нафар магистрант ўз илмий изланишларини давом эттирмоқда.

11 январдан магистратура ҳамда бакалавриятнинг барча босқичларида таълим олувчи талабалар учун аънъанавий дарс машғулотлари бошланади. Дарслар уч навбатда ташкил этилади. Биринчи навбат эрталаб соат 8:30 дан 12:50 га қадар, иккинчи навбат соат 13:00 дан 17:20 га қадар, учинчи навбат соат 17:30 дан 20:20 га қадар давом этиши белгиланган.

Ҳозирда институтнинг 4 та асосий ўқув биноси мавжуд бўлиб, 3524 ўринга мўлжалланган.

Тараққиёт мактаб остонасидан бошланади...

««« Муносабат, мушоҳада »»»»

Учинчи Ренессанснинг пойдевори мактабдан бошланиши керак, деди Президентимиз. Бу фикр ўз-ўзидан кишиларнинг дунёқарабини ўзгартириш вақти келгани, таълимдаги ислохотларни айнан мактаб остонасидан бошлаш лозимлигини аниқлатади. Мактаб таълимини бироз бошқачароқ усуллар билан жонлантириш, замонага мослаштириш даврнинг ўзи тақозо этмоқда.



Нега биз ҳаётда қийналяпмиз? Билимсизлигимиз, замонавий билимларни эгаллашдан ортада қолганимиз, бор диққат-эътиборимизни майда-чуйда маиший муаммоларга қаратганимиз учун.

Ҳаёт мактабда бугун одамларимиз яшашга мослашган бўлиши керак. Боши тирикчилик ташвишидан чиқмайдиган ои-

лаларда Беруний, Хоразмийлар яна тўғилиши мумкин, аммо уларнинг иқтидорини кўра олмасак, тарбия қилмасак, ҳаётимизда бундан кейин ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Буларнинг барчаси, аввало, мактаб таълимига боғлиқ.

2-саҳифа >>>

Президентимизнинг Мурожаатномасида юртимизда банк тизимини ривожлантириш борасида муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, банкларни трансформация қилиш, уларнинг фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этишни янада фаоллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Банк тизимида нималар ўзгаради?

Глобал пандемия «мобиль банкинг» ва «рақамли банкинг» тамойилларига асосланган бизнес-моделларини жорий этишнинг аҳамияти ҳам банклар, ҳам банк хизматлари истеъмолчилари учун нечоғлик юқори эканлигини яққол кўрсатиб берди.

2020 йил банклар томонидан кўрсатилган "рақамли банкинг" хизматлари ҳажми ортди. Хусусан, вилоятимизда ажратилган "онлайн" кредитлар ҳажми 20 миллиард сўмдан, мобиль иловалар орқали жойлаштирилган

депозитлар ҳажми 70 миллиард сўмдан, мобиль иловалар орқали кўрсатилган халқаро пул ўтказмалари 500 минг АҚШ долларидан ошди. Автоматлашган валюта айирбошлаш шохобчалари орқали 3,3 миллион АҚШ доллари сотилиб, 400 минг АҚШ долларидан кўпроқ маблағ харид қилинди. Аммо бу рақамлар умумий портфел ва хизматлар ҳажмида жуда ҳам кичик улushi ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, 2021 йилда вилоятда банк хизматлари кўрсатишда ах-



борот технологиялари, рақамли банкинг технологияларини кенг жорий этиш орқали масофавий хизматлар кўламини ошириш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

2-саҳифа >>>

Ватан ҳимоячиси бўлиш – шараф

Сержант Тему́р Каримовнинг ота-болари хоразмлик. Лекин у Самарқанд шаҳрида туғилди. Отаси ҳарбий хизматчи, онаси ҳам ҳарбий қисмдаги кутубхонада меҳнат қилган. Оилавий муҳит сабаб Тему́р болалиқдан ҳарбийликка қизиқиб улғайди. Касб тақозоси билан турли вилоятларда яшай ва айни пайтда Самарқанд шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат қилмоқда.

– Ҳарбий хизматчи бўлиш учун ҳам кўп китоб ўқиш керак, – дейди Тему́р. – Онам кутубхонача бўлгани боис оиламизда китобга меҳр бошқача эди. Бадиий китобларни, айниқса, "Тему́р тузуқлари"ни севиб мутулаа

қилардим. Ўқиганларим бугун хизмат давомида қўл келяпти.

Тему́рнинг турмуш ўртоғи ҳам ҳарбий хизматчи. Улар бир-бирига елкадош бўлиб ҳаёт кечирмоқда. – 15 йилдан буён Қуролли Кучлар сафида хизмат қиламан, – дейди кичик сержант Ҳафиза Мирзақуллова. – Ҳарбийлик мени Тему́р ака билан учраштиради. Аёл киши учун ҳарбийлик осон иш эмас, аммо турмуш ўртоғим ҳам шу соҳада бўлгани менга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради. Хизматда ҳам, оилада ҳам бир-биримизга қўмақдошимиз. Икки фарзандимиз бор. 8 ёшли ўғлим ҳам ҳарбий бўлишни орзу қилади. Кичик фарзандимиз эндигина бир ёшга тўлди. Иккиси ҳам бизнинг изимиздан бориб, Ватан ҳимоячиси бўлишидан умидворимиз.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАҲОВ (фото).

««« Кун мавзуси »»»»

Ўтаётган ҳафтада мамлакатимизда ҳаво ҳароратини маркази Сибирь ҳудудлари устида жойлашган совуқ антициклон периферияси белгилади.

Вилоятимизда энг совуқ январь ойи қачон бўлган?



Ҳафта давомида ҳаво ҳарорати ўртача йиллик қийматлардан 8-10 даражага паст бўлди. Самарқанд шаҳрида -6-7 даражагача, Қўшработ туманида -10 даражагача совуқ кузатилмоқда. Кечаси совуқ 7-10 даражагача, шимолда ва чўл ҳудудларида 12-17 даражагача меъёрдан пасайди.

Вилоятимизда январь ойида бундай совуқ ҳарорат 1927 йилда -17 даража, 1949 йилда – 21 даража ва 1988 йилда – 20 даражагача етган. 9-11 январдан бошлаб ҳарорат кечаси +1, +2 даража, кундузи +10... +12 даражага кўтарилади. Бу ҳам январь ойи учун белгиланган меъёрдан юқори ҳарорат ҳисобланади.

Президентимиз раислигида 2020 йил 3 ноябрь куни мамлакатимизда гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди. 2020 йил 17 ноябрда эса давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда гидрометеорология хизматини ривожлантириш, соҳани етуқ кадрлар ва замонавий технологиялар билан таъминлаш долзарб масалалардан эканлиги билдирилди.

Соҳани ривожлантириш режасига асосан вилоятимиздаги метеорологик кузатув станциялари автоматик бошқарув тизимига ўтказиш белгиланди.

Ҳозиргача Самарқанд ва Нуробод туманларидаги автоматик метеорологик станциялардан ҳар 3 соатда кунига 8 мартаба маълумот олинмоқда. Қарор талабидан келиб чиқиб, Каттақўрғон ва Пайариқ туманларида 2 та автоматик метеорологик станция ўрнатилди. Бу станциялар инсон омилсиз ҳар дақиқада онлайн режимда маълумот узатади.

Вағиф МИРЗАЕВ,
вилоят гидрометеорология бошқармаси бошлиғи.



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

90-ЙИЛЛАРНИНГ БОШИДА РОССИЯДА ШУНДАЙ ВАЗИЯТ БўЛГАНДИ

Сийсий тизим ўзгарган, катта мамлакат парчаланган, мактабларнинг савияси бутунлай тушиб кетган даврлар. Ушанда олий таълим муассасаларига шундай топшириқ берилди, уларнинг ҳар бири ўз ички имкониятидан фойдаланиб мактаблар билан ҳамкорлик қилиши лозим эди. Ҳар бир институт ёки университет қайси йўналишларда ривожланаётган бўлса, ўз йўналиши бўйича туманларда мактаблар ташкил қилиши ёки мактаблар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиши керак эди. Шу йўсинда мактабларда фанлар ассоциациялари ташкил этила бошланди.

Тараққиёт мактаб остонасидан бошланади...

Москва вилоятида бир ярим мингга яқин мактаб бўлса, унда ўқитиладиган 18 та фан бўйича ассоциациялар фаолияти йўлга қўйилди. Институтлар, университетлар профессор-ўқитувчилари мактаб ўқитувчилари учун мастер класслар ташкил этиб, яхши ташаббуслар оммалаштирилди, мактаблар орасида яхши маънодаги рақобат муҳити шаклланди. Фанларни ўзлаштириш, муваффақиятлар борасида мусобақалашиб бошланди. Бу ташаббус 3-4 йилдаёқ ўз самарасини берди. Мактаб ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида голиб бўла бошлади, олий маълумот олишга интилувчилар кўпайди.

Биз, албатта, бу тажрибани айнан ўзлаштирмаймиз. Мамлакатимиз таълим тизимининг ҳеч қайси мамлакатникига мутлақо ўхшамайдиган ўзига хосликлари, муаммолари ва ютуқлари бор. Жаҳон тажрибасида кўп бор муваффақият келтирган бу усулни яратилиши лозим. Бунда барча ўзига хосликлар эътиборга олинган ва тизим ишлаб чиқилган.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги "Таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси кўп жиҳатдан олий таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу ўринда энг асосий урғу, албатта, педагогика ва психология йўналишларидаги мутахассислар тайёрлайдиган институтлар ва университетлар ҳисобига тўғри келади. Чунки улар мактаб тизимига энг яқин мутахассислардир. Мисол учун, техника университети мутахассиси педагог бўлмасдан туриб, мактаб таълимида иштирок этолмаслиги, аниқроғи 45 минутлик дарсни қандай ташкил этишни билмаслиги мумкин. У яхши мутахассис, ўз соҳасининг билимдонидир, лекин педагогмас. Мактабдаги дарсларда у айтган юксак билимларни ўқувчиларнинг онги қабул қилишга қодир эмаслигини тушунолмайди. Ишни дастлабки босқичдан бошлаш кераклигини билмайди. Демак, айтиш мумкинки, педагогика, психологиядан хабардор бўлмаган кишилар учун ишни ташкил қилиш жуда қийин ва мураккаб.

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ АЙНИ КУНДА 150 ТА МАКТАБ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛЯПТИ

Бир ой давомида вилоятнинг ўнлаб мактаблари билан яқиндан танишдик. Паст Даргом, Пахтачи, Нарпай ва Самарқанд туманлари мактабларида бўлганимизда бир нарсаси амин бўлдики, улар турли ҳудудларда жойлашган бўлишига қарамастан, муаммолари ва ташвишлари бир хил. Улар орасида намунали мактаблар ҳам бор – битирувчилари ОТМларга кирган, ўқувчилари олимпиадалар голиби, турли танловларда муваффақият қозонган ва ҳоказо. Шу билан бирга, йиллар давомида бирорта битирувчиси ўқишга киролмаган, ҳужжат ишлари мутлақо юритилмайдиган мактаблар ҳам борлигини кўрдик.

Институт қошида бугун Фанлар уюшмаси ташкил этилди. Уюшмада мактабларда ўқитиладиган жами 9 та фан (она тили ва адабиёт, математика, информатика, кимё, биология, тарих, чет тили, физика) ўқитувчилари мунтазам ўқитилиб борилади. Семинар-тренинглр, маҳорат дарслари, тажриба алмашинув ва малака ошириш машғулотлари тарзида ташкил этиладиган дарсларда мактаб ўқитувчиларига янги билимлар ўргатилади. Улар дарсларда ўз ҳамкасблари билан тажриба алмашди, фикрлашди. Семинар-тренинглрда иштирок этиб, шу нарсаси амин бўлдимки, ўқитувчилар бу лойиҳага катта умид билдиришмоқда. Лойиҳанинг мақсадини тушунтиришга ҳолат

қолмади, улар бирдан моҳиятни англаб олди. Ҳатто кимё ва биология фанларидан мутахассис бўлганим учун, бир неча дарс-машғулотларини шахсан ўзим ўтиб беришимни илтимос ҳам қилишди. Албатта, рози бўлдим.

Айтилик, ҳар бир ўқитувчининг яхши кўрган мавзуси бўлади, у ана шу мавзунини маъза қилиб ўқувчиларига ўргатади. Баъзи мавзуларни эса яхши тушунмаслиги, шунинг учун дарсни юзаки ўтиши мумкин. Тренинглрда у ҳамкасблари орасидан ана шу ўзи тушунмайдиган мавзунини яхши биладиган ҳамкасбини учратади, ундан ўрганади ва тажрибалар оммалашади. Уларда соғлом рақобат муҳити шаклланади.

Мактаб ўқитувчиларида билим етарли. Ана шу билимни ўқувчига еткази билишни, ўқувчиларни дарсларга қандай



жалб қилишни, уларнинг орасидан кимнинг нимага қобилияти борлигини аниқлаб, улар билан чуқурроқ ишлашни ўқитувчига ўргата олсак, мақсадга анча яқинлашган бўлардик.

Демак, ишларни шунчаки қоғозда, "ура-ура"чилик борасида катта ислохотларни амалга оширишга киришдик. Яна бир нарсани унутмаслик керакки, олий таълимга ёшлар айнан мактаб остонасидан келади. Бу эса бугунги ҳамкорлигимиз, албатта, яқин келажакда ўз мевасини беришига умид қилиш мумкин. Яна муҳимроғи, ишларимизни тизимли, мунтазам, аниқ қондалар асосида, режали олиб боришимиз керак.

Мактабларимизда замонавий билимларни ўқитишда сусткашликка йўл қўйилаётгани ҳам ачинарли хол. Бу мактаб маъмурияти билан эмас, юқори доираларда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммодир. Лекин ўқитувчи интернетсиз, компьютерсиз дарсга тайёргарлик кўролмайдди. Дарсларда бу воситалардан фойдаланмасдан яхши натижаларни кўлга киритиш мушкул.

МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ ЭСКИРИБ ҚОЛГАНИ ҲАМ МУАММО

Уларни янгилаш учун катта маблағ лозим. Бу давр мобайнида ўқитувчилар электрон кутубхона имкониятларидан фойдаланишлари мумкин. Мактаб интернет тизимига уланмаган бўлса, улар бу имкониятдан ҳам фойдалана олмайдди. Компьютерсиз, интернетсиз ва бошқа замонавий алоқа воситаларисиз биз ўқувчиларга чуқур билим бера олмаимиз, ёшларни қизиқтира олмаимиз. Ўқувчилар қўлларидида оддий смартфонлари билан ҳам бугун кўп ишларни амалга оширишга қодир. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларидан ортда қолишлари эса ачинарли ҳолат. Айни кунда бу борада яна бир яхши ишга қўл урилаётгани, яъни, ўқувчилар учун электрон кундалик, электрон синф журналлари жорий этилаётгани эътиборли.

Хуллас, яхши ниятлар билан катта лойиҳага қўл урдик. Мактабнинг, ўқитувчиларнинг обрўсини қайтаришимиз керак. Мактаблар илгари том маънодаги зиё, маърифат маскани бўлган. Дунёнинг барча муаммолари, янгиликлари, аввало, мактаб миқёсида ўқитувчилар томонидан муҳокама қилинган, уларнинг талқини халққа етказилган, ўқитувчилар эса жамиятнинг энг илғор қатлами, нуфузли, эътиборли кишилари бўлишган. Аслида ҳам шундай, бу касб эгалари ҳурматга лойиқ кишилардир. Улар ўзларидаги бор билимларини шоғирдларига бериб, миллатнинг келажagini, келгуси ҳаётини таъминлайдилар.

Худойназар ЮНУСОВ, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори.

Банк тизимида нималар ўзгаради?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бундан ташқари, Мурожаатномада "Саноатқурилишбанк", "Асакабанк", "Ипотекабанк", "Алоқабанк", "Туронбанк" ҳамда "Қишлоққурилишбанк"ни хусусийлаштиришга тайёрлаш, камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилиши белгиланди. Вилоятимизда ҳам ушбу банкларнинг 9 та филиали мавжуд.

Банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликнинг бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, улар иқтисодий янгиликлар ва жамият эҳтиёжларига мос ривожлана олмаётганини кўрсатмоқда.

Молия муассасаларини хусусийлаштириш, давлат улушининг стратегик инвесторларга сотилиши уларнинг иқтисодийёта молиявий воситачиликнинг юқори даражага чиқишига, бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этилишига замин яратади, рақобатбардошлигини ва молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Мурожаатномада Марказий банкка 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳасини киритиш вазифаси қўйилди. Ҳўш, қандай ташкилотлар банк бўлмаган ташкилотлар сирасига киргади ва бу билан қандай ўзгариш бўлади?

Банк бўлмаган кредит ташкилотларига микромолия ҳамда микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, ипотекани қайта молиялаштириш, шунингдек, факторинг ташкилотлари кирди.

Бугунги кунда республикамизда 63 та микрокредит ташкилоти, 64 ломбард фаолият кўрсатади ва уларнинг аксарияти пойтахтда жойлашган. Вилоятимизда эса 1 та микрокредит ташкилоти, 2 та ломбард иш олиб

бормоқда. Бу эса молиявий хизматлар истеъмолчиларида танлов имконияти даражаси пастилини, яъни бу бозорда асосий иштирокчилар тижорат банклари эканлигини билдиради.

Вилоятдаги мазкур 3 та нобанк кредит ташкилотининг портфел қолдиги 1 269 нафар қарздор бўйича 4,2 миллиард сўм, тижорат банкларининг жисмоний шахслар бўйича портфел қолдиги 219 минг нафардан ортиқ қарздор бўйича 4,5 триллион сўмдан кўп эканлиги қиёслаш учун маълумот бўла олади. Бу борадаги қонуннинг қабул қилиниши эса ҳуқуқий шарт-шароитларни мустаҳкамлаш билан биргаликда молия бозорига рақобатнинг, молиявий хизматлар оммабоплиги ва сифатининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Мурожаатномада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертларини жалб этган ҳолда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш борасида ҳам вазифалар белгиланди. Чунки ислом молиявий хизматлари жажон молия бозорига юқори суръатларда ўсиб бораётган сектор бўлиб, 2019 йил якунлари бўйича 7 фоиз ўсишга эришиб, дунё бўйича ислом молияси активлари 2,5 триллион АҚШ долларидан ортган.

Юртимизда ислом молиявий хизматларига бўлган талаб юқорилиги, ҳуқуқий базанинг яратилиши кўплаб халқаро молия институтларининг молия бозорига фаол кириб келишига ижобий туртки бўлади. Бу ҳам молиявий хизматлар бозорига тақлимлар ҳажми ва хилма-хиллиги ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифати ошишига шариот яратади.

Ижтимоий дастурлар доирасида ажратиётган имтиёзли кредитлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишида, иш билан бандлик даражасининг ошишида, аҳоли турмуш шароитлари яхшилланишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга тажриба кредитлар ташаббускорга касб-ҳунар ва тадбиркорлик бўйича зарурий кўникмаларга эга бўлган ҳолатда ажратишли самарадорликнинг янада ошишини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, бундан буён аҳолини меҳнат бозоридида талабга мос равишда касб-ҳунарга тайёрлаш, тадбиркорликка ўқитишга эътибор қаратилади.

Имтиёзли кредитлар тадбиркорлик ташаббускорларига дастлаб улар касб-ҳунарга тайёрлангач ва тадбиркорликка ўқитилгач ажратилиши йўлга қўйилади. Бунда ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш энг устувор йўналишлар ҳисобланади.

"Микрокредитбанк" томонидан аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес модели ишлаб чиқилади. Унда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, микрокредит олган тадбиркорларга маслаҳат ва кўмак бериш, банк миқозлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни учун харидорлар топиш ва бозорларни кенгайтиришда кўмаклашишга эътибор қаратилади.

Халқ банки томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади.

Вилоятимизда "Микрокредитбанк"нинг 7 та филиали, 8 та банк хизматлари марказлари ва минибанклари, Халқ банкининг 20 та филиали, 10 та банк хизматлари маркази ва минибанклари фаолият кўрсатмоқда. 2021 йилда ҳудудларда ушбу банкларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк инфратузилма тармоқлари ташкил этилади.

Шерзод СУВОНҚУЛОВ, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

БУ ФАКТ!

Вилоятимизда хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар 2021 йилнинг 1 январь ҳолатида 580 тани ташкил этмоқда (2020 йилнинг мос давридагига нисбатан 72 тага ошган). Энг кўп хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар саноат соҳасига тўғри келмоқда (295 та).

Шунингдек, - савдода – 90 та; - қишлоқ хўжалигида – 71 та; - қурилишда – 36 та.

Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.



Ургут туманида фаолият кўрсатаётган "УЕС Гиламлари" корхонасида жаҳон андазалари даражасида, бежирим гилан маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада 200 нафар ишчи меҳнат қиляпти.

– Ишни ташкил этишимизга 20 миллион евро миқдорда маблағ сарфланди, – дейди корхона раҳбари Аслиддин Салоҳидинов. – Корхонамизда йилга иппинг ўзидан 5400 тонна, гилмадан 1 миллион 200 минг квадрат метр маҳсулот тайёрланади. Айни пайтда маҳсулотларимиз нафақат ички бозорда сотиляпти, балки қўшни давлатлар ҳамда Озарбайжон, Арманистон ва Японияга экспорт қиляпти.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

Янги йил байрами муносабати билан берилган дам олиш кунлари бир сабаб бўлиб, Самарқанд шаҳридаги вилоят травматология ва шикастланиш оқибатларини даволаш шифохонасига боришимга тўғри келди. Тўғриси, шифокорлар бўлармикан, бўлса-да, беморга қарашга ҳафсала қилармикан, деган ҳақид ва хавотир билан бордик.

Агар эътибор берган бўлсангиз, байрам кунлари аксарият муассасаларда одам бўлмайди. Айниқса, янги йил байрами билан боғлиқ сана, дам олиш кунларида бошқа муассасалар, ҳатто одам гавжум бўладиган озиқ-овқат дўконлари ҳам одам йўқлигидан ҳувиллаб қолади. Бу кунлари шифохоналарга гавжум. Шифокорларгина янги йил кунлари дам олиш керак деган тушунчага эътибор қаратишмайди.

Травматология шифохонасида ҳам шу ҳолатни кузатдим. Беморлар кўп бўлгани учун навбатчи шифокордан ташқари дам олиши керак бўлган мутахассислар ҳам қўли-қўлига тегмай гоҳ гисп тайёрлаётган, гоҳ беморни операцияга ҳозирлаётган жараёни кузатасиз. Жароҳати енгилроқ беморларга ҳам тез ва аниқ тавсия

Ҳаво совуқлиги учун ишга келмаган шифокор

берилиб, ширин муомала билан жўнатаётганига гувоҳ бўлдим. Шифохонага ҳар куни беморларнинг оқими шундай кўпми ёки байрамда шундай бўлдики, деб сўрайман шифокордан.

– Бошқа кунларим шундай, бундан ҳам кўпроқ бўлади, – дея жавоб берди шифокор беморнинг маълумотларини қайд дафтарига ёзаркан.

Беморлар кўплигидан қўшимча шифокорлар, рентген мутахассислари жалб этилганини билдим. Айни шу кунлари хорижда яшайдиган дўстларимнинг бир фикрини эшитиб, ўзимизнинг шифокорлар ҳақида ўйладим.


Тўғри, бундан олдин ҳам хорижда истиқомат қиладиган таниш-билишлар аксарият ҳолда даволаниш учун ўз юртиларига қайтиши ҳақида кўп эшитганман. Бу фақатгина у ердаги тиббий хизмат нархини чўнтаги кўтармаслигидан эмас, шифокорларнинг эътибори, муносабатида ҳамдир.

– Яқинда қизимни ўзимиз истиқомат қиладиган штатдаги шифохонага олиб бордик, – дея гапириб беради хорижда яшовчи танишим.

– Тахмин қилинган ташхисни аниқлаш учун бир неча текширувлардан ўтишимиз керак экан. Бунинг учун бир ой вақтимиз кетди. МРТ текширувида навбатимиз икки ҳафта деганда келди. Шифокор кўригини бир ҳафта кутдик, навбатимиз келган куни ҳаво жуда совуқ бўлгани учун ишга келмагани аниқ бўлди.

Бироз алам билан айтилган бу фикрлар ўша давлат тиббиёти ҳақида умумий хулоса бермайди, албатта. Аммо бизнинг шифокорлар ҳаво совуқлиги учун ишга келмаслигига ишонмайман, тўғриси.

Шифокорларимиз ҳақида турли фикрлар, муносабатлар билдирилади, тиббиётимиз орқанда эканлигини айтишлар ҳам топилиб қолади. Тўғри, бу соҳа фаолиятига баҳо беришга ҳаққим йўқ, аммо фикр сифатида энг чекка қишлоқларини ҳам замонавий тиббиёт муассасалари, битта бўлса-да шифокор билан таъминлаб қўйган мамлакатимизда тиббиёт соҳасини



оқсоқ деб бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу йил тиббиёт соҳасига қаратиладиган эътибор ҳақида гапирар экан, янаям катта ўзгаришлар бўлишини айтди. Умуман олганда, ҳар йили соҳа босқичма-босқич ўзгаришга юз тутмоқда. Яхши биламиз, бирор соҳа яхши кадрларсиз ривожланмайди. Эътиборли жиҳати ўтган икки йилда Самарқандда тиббиёт муассасалари орасида ҳамма биладиган, аммо ҳеч кимнинг «кучи етмайди»га, ўзига хос тарзда монополашган тизим шаклланиб қолганди. Бу ҳақда очиқ айтилмаса-да, аммо тиббиётчиларнинг юрагини кемириб турган бу

оғриқ фақатгина маълум шахсларга ёқадиган, уларга хизмат қиладиган кадрлар ўсиши билан янада оғриқли кечарди. Ўтган йили бундай ўзига хос «монополия»га чек қўйилди, аксар тиббиёт муассасаларига ёш, изланувчан, тажрибали мутахассислар тайинланди. Янаям аниқроқ айтиладиган бўлсак, Самарқанд тиббиётига «янги қон» қўшилди.

Бунинг натижасида вилоятдаги қатор тиббиёт муассасаларида неча ўн йилликларда содир бўлган янгиликлар бўлаётганини айтиш мумкин. Афсуски, коррупция туфайли кўп дастурлар қоғозда қолиб кетаётгани ҳам соҳани орқага тортадиган иллат. Бу масалалар ҳам бугун мамлакат миқёсида ечим топишга уринилаётгани яхши муждалардан биридир.

Мавзудан бироз қалғидим, чоғи. Айтмоқчи бўлганим, бошқа вилоятлар, ҳатто давлатлар эътироф этадиган, ўзига хос мактаб шаклланди Самарқанд тиббиёти учун мана шу ўзгаришлар катта қадам деб биламан. Тиббиёт ҳақида инсонлар онгидида шаклландиган фикр бемор бўлгандагина пайдо бўлади. Шукрки, бизда ҳаво совуқ бўлгани сабабли ишга келмайдиган шифокорлар бўлмаса керак. Шукрки, бизда ярим кечаси бўлса-да, эшигини тақиллатиб келадиган беморга «оромини буздинг», дейишга тили бормайдиган шифокорларимиз кўп.

Гулрўх МўМИНОВА.

Самарқанд давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори Суюн Каримов умрининг ярим асрдан ортиғини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаб, ибратли ҳаёт кечирмоқда.

Меҳнатидан шуҳрат топган устоз



Домла илмий фаолиятининг катта қисми ўзбек тили стилистикаси, нутқ маданиятининг долзарб муаммоларини ҳал этиш ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юрларида ўқиб жараёнини яхшилашга, талабаларнинг маънавий камолотини янада юксалтиришга, умуман, баркамол авлодни шакллантиришга қаратилди. Раҳматилла Қўнғуров асос солган Самарқанд стилистика мактабининг бугунги кундаги давомчиси Суюн Каримовнинг жонқуярлиги ва сайъ-ҳаракати натижасида кўп йиллардан буён мамлакатимиз илмий жамоатчилиги орасида ушбу мактаб ўз обрў-эътибори, аъналарини сақлаб келмоқда.

Устоз фанда ҳам, таълим бериш ва одамгарчиликда ҳам ёш авлодга намуна. Дарс жараёнида содда ва раво тилда қилган маърузалари кўплаб талаба-ёшларда тил илмига ҳавас уйғотиб, бу соҳада илмий изланишлар олиб боришларига туртки бўлмоқда. Нуробод туманидаги 100-ўрта мактабни тугатгач, домла олий таълимни Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетида олди.

Университетни муваффақиятли тамомлаб, Паст Даргом тумани-

зиясининг тили ва услуби» мавзuida номзодлик, «Ўзбек тилининг бадий услуби» мавзuida докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Устоз 250 дан ортиқ илмий, илмий-методик ва илмий-оммабоп мақолалар ҳамда Зулфия, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор поэзияси, тили, луғати, ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти, бадий услублари, тилнинг ифода тасвир воситалари, тил таълими ва меъёрлари, тилшунослик назарияси, мутлоаа санъати-га доир монография, ўқув қўлланмаларини нашр эттирди.

Суюн Каримов меҳнат фаолиятида эришган ютуқлари ва ёш авлодни тарбиялашда кўрсатган алоҳида хизматлари учун «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

Тилшунос олим бугунги кунда «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди васийлар кенгаши аъзоси ва Самарқанд вилояти бўлими раиси, «Нуроний» жамғармаси Самарқанд бўлими кенгаши аъзоси, СамДУ «Нуроний» жамоатчилиги маркази раиси ўринбосари сифатида ҳам жамоат ишларини олиб бормоқда.

Халол меҳнати, ишга масъулияти, шогирдларига ғамхўрлиги билан эл-юрт хурматига сазовор бўлган Суюн Каримов бугун ҳаётининг етмишинчи довонидан ошди. Биз, шогирдлар устозга соғлиқ-омонлик, оилавий тинчлик-хотиржамлик, илмий-ижодий ишларига улкан зафарлар тилаймиз.

Азамат ПАРДАЕВ,
СамДУ филология факультети декани.
Шавкат ТАХМАДИЕВ,
СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири.

Фидойи муаллим

Зубайдулла ҚОДИРОВ ҳаёти шогирдлар учун ибрат

Аллоҳ берган умрни яхшилик йўлида сарфлаб, Ватан равнақи, ёш авлод тарбияси ва баркамоллиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келган ва келаётган инсонлар талай. Шулардан бири табаррук 90 ёшини қаршилаётган устоз-муаллим Зубайдулла Қодировдир.



Вазмин, мулоҳазали, бағрикенг бу инсонни самарқандлик аксарият ўқитувчилар устоз деб билишади.

Иккинчи жаҳон уруши ёш болаларни эрта улғайтириб қўйди. Болаликнинг бахтиёр давларидан мосуво бўлган ўсмирлар фронт орқасида оғир меҳнат қилишга мажбур бўлдилар. 1931 йил 10 январда Каттакўрғон шахрида туғилган Зубайдулла ҳам тенгдошлари қатори болаликни ортага суриб, қўлига кетмон-у ўроқ олди. Кексалар ва аёллар зиммасида қолган хўжалик ишларида кўмаклашиш учун далага отланди. Аммо ўқишга бўлган иштиёқини сундирмади.

Мактабни битиргач, ўқитувчи бўлишга аҳд қилди. Каттакўрғон педагогика билим юртига ўқишга кирди. Кейин Пахтачи туманига юборилди ва 2-мактабда дарс берди. Ёш педагог одоби, муаллимликка бўлган меҳри, янгиликка ўчлиги билан жамоа хурматини қозонди.

– Бу ерда ишлаган йилларни ҳаётимнинг энг унутилмас давлари бўлиб хотирамда қолди, – дейди Зубайдулла Қодиров. – Негаки, орузимга эришиб ўқитувчи бўлдим. Меҳрибон ва зукко устозлар даврасида машаққатли ва шарафли касб сирларини ўргандим, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамладим. Энг муҳими, кат-

та ҳаётий тажриба ортттирдим. Булар менда ўзимга ишонч, касбга эътиқодни мустаҳкамлади.

Дарҳақиқат, Зубайдулла Шодиевичдаги касбга эътиқод 1958 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битириб, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берганида жуда асқотди. Ёш муаллимнинг 1962 йилдан кейинги фаолияти Самарқанд шахри таълим муассасалари билан боғлиқ ҳолда кечди. Кўп йил Самарқанд шаҳридаги 10-мактаб-интернатда дарс берди. Сўнгра вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтини ташкил қилди. Ёш муаллимнинг 1962 йилдан кейинги фаолияти Самарқанд шахри таълим муассасалари билан боғлиқ ҳолда кечди. Кўп йил Самарқанд шаҳридаги 10-мактаб-интернатда дарс берди. Сўнгра вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтини ташкил қилди.

Зубайдулла Қодировнинг педагогик ва раҳбарлик иқтидори у Самарқанд шаҳридаги 12-спорт-интернат ва 59-махсус мактаб-интернатларга директор бўлиб ишлаганида яққол намоён бўлди. Унинг сайъ-ҳаракатлари билан бу билим даргоҳларининг моддий-ўқув базаси мустаҳкамланди, таълим-тарбия жараёни самарадорлиги ошди.

– Таълим соҳасида 69 йил фаолият юртдан бўлсам, ҳаётимни академик шоримиз Ғафур Ғуломнинг «Тадқирни қўл билан яратур инсон, ғойибдан

келажак бахт бир афсона», деган шох сатрларига амал қилган ҳолда йўлга қўйдим, – дейди Зубайдулла Шодиевич. – Чунки ўқитувчилик шарафли касб бўлиши билан бирга машаққатлари ҳам кўп. Бу касб инсондан фидойилик ва сабр-бардошни талаб қилади. Шунинг учун фаолиятим давомида шу икки қазилатга эга бўлишга интилдим.

Зубайдулла ака моҳир ўқитувчи, тажрибали раҳбар бўлиш билан бирга камтарин инсон, дилкаш суҳбатдош сифатида ҳам ҳамкасблари орасида катта хурмат қозонган. Пенсияда бўлса-да, ўн олти йилдан буён Самарқанд шаҳар халқ таълими ходимлари фахрийлар уюшмаси раиси сифатида фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Зубайдулла Қодиров касбга меҳр қўйиб ишлаб кам бўлмади. Таълим-тарбия соҳасидаги фидокорона хизматлари учун «Шуҳрат» медали, «Халқ таълими аълочиси», «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Табаррук ўшини нишонлаётган устозимизга сиҳат-саломатлик, жўшқин фаолият тилаймиз.

Гўзал АЛИМОВА,
Ҳамид АБДУЛЛАЕВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбop / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

БОЖХОНАЧИ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилади.

Божхона институти божхона иши ва юриспруденция (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) соҳасида кадрларнинг базавий касб тайёрларини амалга оширади. Божхона институтига ўрта ёки ўрта-махсус маълумотга эга бўлган:

- 17 ёшдан 21 ёшгача (қабул йилида 17 ёшга тўлаганлар), шу жумладан, 21 ёшда бўлган ҳарбий хизматни ўтамаган;

- 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган (шу жумладан, 25 ёшда бўлган) ҳарбий офицерлар таркиби унвонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинадилар.

Номзодларнинг бўйи ўғил болалар 165 см.дан (қиз болалар учун 160 см.) паст бўлмаслиги талаб этилади.

Номзодлар ўзбек, рус ва чет тилларини билишлари тавсия этилади.

Номзодлар фуқаролик паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, ўқиганлик тўғрисида маълумотнома, рейтинг дафтарчасининг асл нусхаси ёки нусхасини, ишлаётган бўлса, иш жойидан маълумотнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади.

Божхона институтига ўқишга кириш тўғрисидаги аризалар Самарқанд вилояти божхона бошқармаси томонидан 2021 йил 1 апрель кунига қадар қабул қилинади.

Номзод қуйидаги ҳужжатларни топширади:

1. Номзоднинг аризаси;
2. Паспорт, туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхалари;
3. Сўровнома, таржимаи ҳол;
4. Ўқиш ва сўнги иш жойидан (агар ўқийётган ёки ишлаётган бўлса) тавсифнома;
5. Номзоднинг умумий ўрта таълим (11-синф негизда) ёки ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими муассасаси (академик лицей, касб-ҳунаар коллежи)ни битирганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
6. Ҳарбий хизматга қақирлиувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий гувоҳнома нусхаси;
7. 6 дона (бош кийимсиз, 3х4 см.) ва 2 дона 12х9 см. ўлчамдаги фотосурат.

Мурожаат учун телефон:

66-233-53-38

Манзил: Самарқанд шаҳри Бўстонсарой кўчаси, 85-“А” уй.

ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Туманларда 2021 йилда уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказилади.

Танлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Фермер хўжалиги раҳбари номидан ариза;
2. Фермер хўжалиги раҳбари номидан тилхат;
3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими маълумотномаси;
4. Фермер хўжалиги, унинг раҳбари ва ишчи ходимлари тўғрисида маълумотнома;
5. Ирригация тизими бошқармаси маълумотномаси;
6. Вилоят "Агрокемехимия" ҲАЖнинг туман филиали томонидан берилган маълумотнома;
7. Фермер хўжалиги раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисида ҳужжат (димлом нусхаси);
8. Фермер хўжалиги раҳбарининг

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси ва бошқа ҳужжатлар);

9. Фермер хўжалигида ишлаётган уруғчи ҳосилотнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (диплом нусхаси ва меҳнат дафтарчаси);
10. Мажбуриятдан озод пул маблағи тўғрисида (тегишли банк томонидан берилган) маълумотнома;
11. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциянинг туман бўлими бошлиғи томонидан берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси;
12. Контракция шартномасининг бажарилиши бўйича пахта-тўқимачилик кластери томонидан берилган маълумотнома;
13. Сўнги 3 йил ичидаги пахта ҳосилдорлиги бўйича пахта-тўқимачилик


кластери томонидан берилган маълумотнома.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган фермер хўжаликлари ҳужжатларини 2021 йилнинг 20 январидан 20 февралгача туман қишлоқ хўжалиги бўлимига 2 (икки) нусхада тақдим этишлари лозим.

Танлов туман қишлоқ хўжалиги бўлимида 2021 йил февраль ойининг учинчи ўн кунлигида белгиланган режа асосида танлов комиссияси иштирокида ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДК Самарқанд вилоят бошқармасининг қуйидаги телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин: 66-234-07-66, 90-601-01-55.

Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танловини ўтказиш РЕЖАСИ



ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Халимова Тухта Курбановнага (2020 йил 21 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Саматова Махсуда Синдаровнага (2018 йил 28 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!
Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини қўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги заҳира ерлари ҳисобига олинган: МЧ "Наврўз агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 4,5 га. (шундан: 4 га. сувли, 0,5 ариқ ва зовулар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 10 январга қадар қабул қилинади.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Улуғбек Толибович нотариал идорасида марҳум Бегимқулов Искандарга (2020 йил 13 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасида марҳум Усманов Зияга (2005 йил 6 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Манзилимиз: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тойлоқ туманидаги «PARVIZJON MUBINA» хусусий корхонасининг (СТИП: 307899252) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Раҳманов Раджабга (2020 йил 11 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Раъзиддин Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Қудратов Шоқир Хикматиллоевичга (2019 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Раъзиддин Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 80-уй.

шаҳар филиалидан Ҳазратқулова Нодира Шабоевнага қарашли Самарқанд шаҳри Шайбонийхон кўчаси, 6-уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами ва шу уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Эргашева Нигина Маҳмуд қизи номига берилган UM № 0159864 рақамли умумий ўрта таълим тўғри-

сидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабoт туманидаги «CHARLOQ CHORVALARI» фермер хўжалигининг (СТИП: 305549704) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Абдуқаҳор Озоджон Илхом ўғли номига берилган UM №

0135162 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди жамоаси вилоят судининг судьяси Тўлқин Қодировга онаси **Ҳаловат ая ҚОДИРОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«19 январь – Махмудхўжа Бехбудий туғилган кун»

IX - X асрларда яшаган Беруний, Форобий, Фарғоний сингари буюк боболаримиз кўп соҳалар бўйича шуғулланган. Булар орасида астрономия, медицина, адабиёт, ҳуқуқ, фалсафа ва бошқа фанларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Шуғулланганда ҳам, шунчаки ўрганиш, тадқиқ қилиш билан чекланмай, асрлар давомида заруратга айланган ва инсониятнинг бебаҳо хазинаси бўлиб қолган кашфиётлар қилган.

Тўрт тилни ўрганмоқ зарур...

Президентимиз XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаги жадидчилик ҳаракатини Иккинчи ренессанс деб аташларида жон бор.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Исоқхон Ибрат сингари жадидлар миллат, халқ, маърифат ва тараққиётга бошловчи жонқуярлар сифатида майдонга чиқди.

Масалан, Махмудхўжа Бехбудий ўзбек драматургияси, публицистикасига асос солиш билан бирга ўзбек ва тожик тилларида дарсликлар ёзди, дин ва жамоа арбоби сифатида оламшумул ишлар қилди.

Шулар билан бир қаторда тил, имло масаласидаги муаммоларни ўртага ташлади, уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берди. Жумладан, "Тил масаласи" деган мақолада туркий тилларнинг ҳолатини чуқур ўрганиб, уларни ўзаро таққослаб, ибратли хулосалар чиқарди.

"Туркчининг шўба ва шох(а)лари бўлган ўзбек чигатои, татар, озарбайжон, қозоқ ва туркман лажжаларидаги янги матбуотнинг энг аҳамиятли масалаларидан бири, албатта, шева, лаҳжа, имло масалаларидир", дейди Бехбудий мақола муқаддасида.

Форс маданияти, адабиёти ва луғатларидан кўплаб қалималар ҳуда-беҳудага олингани оқибатида туркийда аввал мавжуд бўлган талай қалималар батамом йўқолиб кетгани наҳадомат билан ёзади. Жумладан, душанба, сешанба, чоршанба... сўзларининг бир замонлар туркий вариантга бўлган, аммо аввал форс тили, ундан кейин кириб келган араб тили туркий сўзларни сиқиб чиқарганини таъкидлайди.

Албатта, ҳар бир тил ўзга тиллар ҳисобиغا маълум даражада бойиб боради, аммо шу билан бирга авлодлар томонидан яратилган тилни соф сақлаб қолиш зарурлигини айтади.

"Қуръони карим тили бўлган арабийнинг нуфузига учраб ва мажбу-

ран неча лўғат ва жумлаларни андин олдилар. Ва баъзи ифротпарастлар тарафидан янгидан бу кунгача яна олимоқдадур."

Махмудхўжа Бехбудий, жумладан, усмонли турк тили ҳақида ҳам фикр юритади. Улар дастлаб форс, араб, туркий тилларнинг қоришмасидан фойдаланишгани кейин эса матбуот ва тилшунослик мавқеи ошиб, тил анчайин турклашганини таъкидлайди.

Мазкур мақолада ўша пайтларда нашр этилган "Вақт", "Шўро", "Юлдуз" журналлари, "Садои Туркистон" газетасининг тили ва тил масаласидаги қарашларига муносабати билдирилган. Айниқса, тилни "тозалаш" масаласини танқид қилиб, "Тилимизни форсий ва арабийдан қувайлуқ, бу кўб энгил орзу, аммо ихроси мумкин эмас орзулардандир..." деб ёзади.

Жадидалар сарвари бу масалада бир неча йиллар кераклигини ва ҳаётнинг ўзи имломизга ўзгаришлар киритиб боришини таъкидлайди.

Туркистонийлар учун тўрт тилни (туркий, форсий, русий, арабий) ўрганмоқ зарур деб ҳисоблаган, фақат туркий тилдагина эмас, тожик тилида ҳам бир неча дарсликлар ёзган, Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида ўқиб, Қуръони каримни ёд билган, рус дипломатлари билан рус тилида мулоқот қилган, ўз замонасининг энг обрўли байналмилалчиси «миллатчи» дея қораланди. Аммо замонлар ўзгариб, тарихий ҳақиқат қарор топди. Махмудхўжа Бехбудийнинг пок номи тикланди. Асарлари ўрганилиб, кенг тарғиб қилинди.

Ўтган йили эса юртимизда буюк маърифатпарвар бобомиз таваллудининг 145 йиллиги кенг нишонланди. Олтин занглас, деганлари бежиз эмас.

Дилафруз РАҲМАТОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

Бойсунқур Мирзо кутубхонаси қаерда?

Амир Темур ва теурийларнинг Шарқ ва дунё илм-фани, санъати ҳамда маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаси, Соҳибқироннинг теурийлар уйғони даврининг тамал тошини қўйгани ҳақида юртимиз ва хорижлик олимлар кўп ва хўб ёзган.

Аммо теурий шахзодалар орасида яна бир шахс борки, унинг илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида кам ёритилган. Ваҳоланки, бу шахзоданинг илм-фан олдидаги хизматлари бекиёс. Рус шарқшуноси О.Акимүшкнинг унинг илм-фан борасидаги хизматлари Мирзо Улуғбекнинг хизматидан кам эмаслигини алоҳида таъкидлаган. Бу тарихий шахс 1397 йилда Мирзо Шоҳрух ва малика Гавҳаршодбегим оиласида дунёга келган Гийёсиддин Бойсунқур Мирзодир.



Мирзо Хусрав Деҳлавий

Соҳибқирон жорий қилган аънаанага кўра, Бойсунқур Самарқандда туғилган, катта энаси Бибиҳоним қўлида тарбияланган. Сўнгра унга Отабек тайинланиб, Бойсунқур унинг ёрдами билан меросхўр шахзодани билиши лозим бўлган қиличбозлик, от чопиш, ўқиш, ёзишни ўрганган. Табиатан ўта қобилияти бўлган Бойсунқур шезрийатнинг нозик сирларини ўзлаштирган, мусиқа асбобларини маҳорат билан чалган.

Айниқса, у хаттотликда шўхрат қозонган, араб ёзувининг муҳакам, сул, насх, тауқи, рика ва райхон усулларини нафис ёзувлар битган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Бойсунқур Мирзо туркий ва форсий тилларда фазаллар битган.

Шарқшунос О.Акимүшкнинг Бойсунқур Мирзо ҳақида ёзган мақоласида, унинг камтарлиги ва адолатпарварлигини кўрсатувчи тарихий воқеани келтирган. Олимнинг ёзишича, Бойсунқур ўзига Шохий деган тахаллус танлаган. Ўша вақтда Ҳиротда яшаган Амир Оқ Малик Сабзаворий деган шоир ҳам Шохий тахаллуси билан фазаллар ёзган. Шоир бир фазал ёзиб, Бойсунқур Мирзога жўнатган. Ҳазалда Шохий тахаллусини биринчи бўлиб у танлаганини, Бойсунқур эса уни кейин ўзлаштирганини нозик тарзда баён қилган. Ҳазалини ўқиган Бойсунқур бу тахаллусдан воз кечган экан. Ўз мавқеи жиҳатидан бу тахаллусга лойиқ бўлган Бойсунқур ундан Оқ Малик Сабзаворий фойдасига воз кечгани унинг камтарини адолатпарварлигини яққол

кўрсатиб турибди. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, уч ака-ука Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон ва Бойсунқур Мирзолар ўртасида доимий равишда мактуб ёзишмалари бўлган, бу ёзишмаларда улар илм-фан, санъат ва маданиятга оид фикрларини ўзаро баҳам кўрганлар. Бойсунқур Мирзо Амир Хусрав Деҳлавий ижодини севиб ўрганган ва юксак баҳолаган. Бойсунқур Мирзо Хусрав Деҳлавий фазалларини жамлаб "девон" тузган.

Бу шахзоданинг сазй-ҳаракати билан Ҳиротда ўзига хос шоирлар давраси тузилган ва унга ўша даврнинг машҳур шоирлари йиғилган. Бойсунқур Мирзонинг машҳур форс шоири Абулқосим Фирдавсий ижодини келгуси авлодларга етказиш борасида қилган хизматлари барча олимлар томонидан тан олинган. О.Акимүшкнинг ёзишича, Бойсунқур Мирзонинг кутубхонасида Фирдавсий "Шоҳнома"сининг бир неча қўлёзмалари мавжуд бўлган. Бу қўлёзмалар билан танишиб чиққан амирзода уларнинг ўртасида анчагина фарқ борлигини англаган. Шундан сўнг у барча қўлёзмаларни таққослаб чиқиб, улар асосида ягона нусха тайёрлаш ҳақида кўрсатма берган. Шу тариқа Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома"сининг "Бойсунқур тахрири" пайдо бўлган ва айнан ушбу тахрир бизнинг кунларимизгача етиб келган. Ушбу қўлёзма ҳозирда Техрон шаҳридаги Салтанат кутубхонасида сақланмоқда.

Бойсунқур Мирзо Ҳиротда ўз кутубхонасини ҳам ташкил этади. У кўпчилик тасаввуридаги китоблар сақланадиган ва одамлар китоб қироат қиладиган жойдан тубдан фарқ қилган, бу кутуб-

хона ўша даврнинг ўзига хос наشريёти ва босмахонаси ҳам эди. Бу кутубхонада энг моҳир хаттотлар, наққошлар, мусаввирлар, мужаллид (муқовасоз)лар китобдор раҳбарлигида меҳнат қилган. Шунингдек, заргарлар, дурадгорлар ва қандакорлар ҳам меҳнат қилган. Уларнинг ҳар бири қўлёзма асарларни чинакам санъат асари даражасига етишида ўз ҳиссасини қўшган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, ушбу кутубхонада қирқдан ошқ ижодкорлар, хунарамандлар меҳнат қилган, бу ўша давр учун жуда катта ташкилот эди. Кутубхона тарихи билан шуғулланган, швед дипломати Ф.Мартин уни "Бойсунқур Академияси" деб атаган эди. Бу атама тезда жаҳон олимлари томонидан тан олинди. Тарихий манбаларда кутубхонада меҳнат қилган ижодкорларнинг номи сақланиб қолган. Бойсунқур кутубхонасида Мавлоно Шамс, Мавлоно Қутб, Мавлоно Саид ад-Дин, Мавлоно Мухаммад Мутаҳҳар каби машҳур хаттотлар, Амир Холиқ ва Ҳўжа Гийёсиддин Наққош каби мусаввирлар, қўлёзмаларга бадиий ишлов берувчи Мавлоно Али, Мавлоно Шаҳоб, Маҳмуд, Хожа Атай, Сафийдин каби наққош, музаҳҳиб, жадвалкашлар меҳнат қилган. Кутубхонада кўчирилган китоблар рўйхати назар соладиган бўлса, уларнинг орасида Саъдийнинг "Гулистон", Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" ва "Рисолаи хаттот Хожа", Жувайинийнинг "Тарихи жаҳонгўшой", тарихчи Табарийнинг "Тарихи Табарий" асарларини кўришимиз мумкин.

Бойсунқур Мирзо кутубхонасида кўчирилиб тайёрланган 19 та китоб бизнинг кунларимизгача етиб келган. Бошқа қўлёзмаларнинг тақдири ҳозирча номаълум. Бу китоблар Санкт-Петербург, Техрон, Лондон, Истанбул, Дубай каби шаҳарларда сақланмоқда. Гийёсиддин Бойсунқур Мирзо 1433 йилнинг 19 декабрида Ҳиротнинг Боғи Сафид саройида вафот этади. Уни онаси Гавҳаршодбегим қурдирган мадрасага дафн этишади. Шундан сўнг кутубхона унинг ўғли Алауд Давла ихтиёрига ўтади. Манбаларда айтилишича, бу кутубхонадаги айрим китобларни Мирзо Улуғбек Самарқандга ҳам олиб келган. Хулоса қилиб айтадиган бўлса, теурийлар сулоласининг ёрқин вақлиридан бири Гийёсиддин Бойсунқур Мирзо турк, ҳинд, араб ва форс халқларидан мерос бўлиб қолган кўплаб ноёб қўлёзмаларни сақлаб, авлодларга етказишда буюк хизмат қилган, илм-фан, санъат ва маданият ҳомийсидир. Бу улғу зотнинг илмий мероси ҳали етарлича ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутаяпти.

Амриддин БЕРДИМУРОВА,
тарихчи олим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси.



Миллий чолғу асбобини ясайдиган ҳунарамандлар нега кам?

Этибор берганмисиз? Миллий чолғу асбобларининг нархи анча қиммат. Ҳўш, нега? Самарқандда 30 йилдан буён миллий чолғу асбоблари ясаб келаётган уста Бобомурод Ҳайдаров билан суҳбатлашгач, бу саволга жавоб топгандай бўлдим.

– Ҳеч бир ҳунар машаққатсиз бўлмайди, аммо битта мусиқа асбобини ясаш учун йиллаб вақт сарфланади, - дейди уста. - Бир қарашда бир ҳафта-ўн кунлик иш кўринса-да, мисол учун, рубобнинг қосасини, дастасини тайёрлаш учун ёгочга йиллаб ишлов берамиз. Бунда асосан, тут, ёнғоқ, ўрик дарахтларидан фойдаланамиз. Коса тут дарахтидан ясалади. Айланаси 50 сантиметрлик тут дарахтидан 4 та коса олинади. Энди тасаввур қилинг, битта тут дарахти неча йилда катта бўлади. Тутни кесган, 3 йилдан 10 йилгача табиий равишда қуритами. Қанча кўп қуриса, созининг жарангдорлиги, шираси ошади, ундан ёқимли оҳанг таралади. Дастасини ўрик ёки ёнғоқ дарахтларидан ясаймиз.



- Неча турдаги чолғу асбобларини ясайсиз?
- 20 турдан ортиқ чолғу асбобларини ясайман. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ёндашувни, эйтиборни талаб этади. Тор, дутур, рубоб, уд, доира, ноғора, гижжак, чанг, танбур... Талабга қараб, ўрганиб ясаб бераверамиз. Шу билан бирга бобом томонидан илк бор ясалган ҳамро созини ҳам ясайман. Бу соз жарангдор овози билан рубоб ва дутордан фарқланади. Нам ҳавода миллий чолғу асбобларининг овози ўзгарса, ҳамро созида ҳеч нарса қилмайди.

Уни шунчаки ясаб бўлмайди. Эшик ромларни ўлчовига қараб камчиликни бартараф этасиз, асбобларни оҳангига, овозига қараб тўрилайсиз.

Фарзандларим, қўлидан иш келдими ёгочга ишлов бериш, уларга ранг бериш каби юмушларни бажаради, ҳам ўрганайди. Бизларга бу ота касб. Олдинлари терига ишлов бериш, асбобларга ўймакорлик билан нақш солиш учун бошқа устага мурожаат қилардик. Бугун қорамол териси, юрак пардасига ишлов бериш, ўймакорлик билан безашни фарзандларим бажараяпти.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

Ёшлигим жуда кўп воқеалар гувоҳи. Ўша кезларда хўп ва кўп қор ёғарди. Ҳатто, том устидаги қорларни курайд олмай қолардик.

Оппоқ қор тилаклари

Кунларнинг бирида қалин қорнинг эриши туфайли жилғаларда сув кўпайиб, сойлар ўзанидан тошиб, одамларни оқизиб кетганлигини эшитдик. Бу воқеалар 1969 йилнинг қиш фаслига тўғри келади. Қишлоғимиз Оқтов ён бағирларида жойлашганлиги учун қор кўп ёғарди. Қор мўл ёққанда, бепоён далалар оппоқ кўрпага бурқаниб қоларди. Қир-адирларда ўсган бодомчалар ёнида қакликлар сайраши эшитиларди. Ўша қорларнинг устида ботиб қолган қакликларни қувиб, ушлаб олардик. Кўпроқ ёмғир аралаш қор ёғарди.

Жизмон ана шундай беғуборликни тараннум этувчи жойлардан бири. Баланд-баланд қирлардан паства қараб тоядик. Қордан катта-катта қорбоблар ясардик. Улар хафталаб эримай турарларди.

Беғубор ёшлигимда бўлган, кўрган нарсалар не-не ўйларга етакламайди дейсиз? Бу тўта беғуборлик, самимийлик, кўпчилик ёшликдаги дамларни эсга солди. Қишда бўладиган кўпқари тўйлар ёдимга тушди. Атрофининг беғуборлигини кўриб, қалбимда ажиб туйғулар, ниятлар пайдо бўлди.

Оппоқ қор, бу оқликда жуда кўп маънолар бор. Янги йилда майин-майин ёққан қор инсонлар меҳр-оқибат улашсин, уларнинг кўнглини момик қордай юмшатсин.

Зайниддин НОРМАН,
Тошкент вилояти.

Zarafshon
САМАРҚАНДСКИЙ
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:
халқ
депутатлари
Самарқанд
вилоят Кенгаши
ва вилоят
ҳоқимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот
ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда
09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
18 891 нусхада чоп этилди. Бюджетта 18
Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва
шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56
БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй,
Матбуот уйи.
Газета "Зарифшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ноцир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:
Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи:
Н.ЖОНТЎРАЕВА.
Саҳифаловчи:
Б.АБДУЛЛАЕВ.
Сотуведа нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 1667009